Қабул барабанинг интенсивлиги барабан сиртидаги тишларнинг битта толага таъсири билан боҳоланади.

$$\frac{T_x \cdot V_{т.ц} \cdot 1000}{L_T \cdot T_T} \quad (1)$$

Толалар тутамига 1-минутда таъсир қилаётган тишлар сони $nз$ бўлса, 1-та толага тўғри келадиган тишлар сони куйидагича аниқланади.

$$m = \frac{n \cdot z \cdot L_T \cdot T_T}{T_x \cdot V_{т.ц} \cdot 1000}$$

Бу формула қабул барабанинг интенсивлиги формуласи хисобланади.

бу ерда: n - қабул барабанинг тезлиги мин⁻¹, z - барабан сиртидаги тишлар сони, L_T - толанинг узунлиги мм, T_x - холстинг йўқонлиги текс, $V_{т.ц}$ - таъминловчи цилиндр тезлиги. м/мин.

Назорат саволлари:

1. Бир жараёнли саваш машиналарининг вазифасини тушунтиринг?
2. Савағичнинг асосий вазифаси нима?
3. Уч паракли планкали ва игнали савағичларнинг ишлаш принципини тушунтиринг?
4. Савағичнинг ишига таъсир кўрсатувчи омиллар нималардан иборат?
5. Саваш даражаси деганда нимани тушунаси?

Адабиётлар

1. Аванесова Г.А. Сервисная деятельность. –М.: Аспект-Пресс. 2004.
2. Борзунов И.Г. и др. Прядение хлопка и химических волокон. II часть, М.: 1982, стр. 87-121.
3. Зикриёев Э. Пахтани дастлабки қайта ишлаш. -Т., Мехнат, 2002.

4. Косцов А.А. Машины крутильно-ниточного производства. –М.: ЛП. 1991.
5. Марасулов Ш.Р.. Пахта ва химёвий толаларни йигириш. II қисм, -Т., 1979. 43-65 бет.
6. Марасулов Ш.Р. ва бошқалар. Толали материалларнинг механик технологияси. –Т., 1971. 32-45 бет.
7. Салимов А., Ахматов М. Пахтани дастлабки ишлаш. –Т., 2006.
8. Хаджаев С.С. Проектирование процессов в сервисе. Текст лекций. –Т.: ТИТЛП. 2009.
9. Хаджаев С.С. Сервис жараёнларини лойихалаш. Ўқув қўлланма. –Т.: ТТЕСИ, 2011.
10. С.С. Хаджаев Сервис жараёнларини лойихалаш. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТТЕСИ. 2011.
11. Сервисная деятельность. Уч. Пос. Под общ. Редак. И.П. Павловой, Романович В.К. Санкт-Петербург. ГУАП. 2002.
12. Сфера услуг/ Под ред. Ю.П. Свириденко. В 4-х томах. –М.: «Кандид». 2000.
13. Федоров В.Г. Культура сервиса: Учебно-практическое пособие. –М.: Изд. ПРИОР. 2000.
14. Давлат стандартлари ЎзРСТ 615-94, ЎзРСТ 604-93, ЎзРСТ 645-95, ЎзРСТ 696-93.

2-Мавзу. Халқали йигириш машиналари**Режа:**

- 1. Халқали йигириш машинасининг тузилиши.**
- 2. Йигириш машинасининг таъминлаш механизми.**
- 3. Чўзиш асбоблари ва уларнинг турлари.**
- 4. Чўзиш приборининг ғиялиги.**
- 5. Зичлагичлар.**

Таянч иборалар: *йигириш, калава, йўгон, ип, ўрам, пилик, уч ярусли, галтак, зичлагич, чўзиш прибори, чўзиш қуввати.*

Халқали йигириш машиналарининг турлари ва тузилиши.

Йигириш машинасининг асосий вазифаси пиликдан калава ип ҳосил қилишдир.

Йигириш машинасида ипдан бир неча марта йўгон бўлган маҳсулотнинг узуликсизлигини, пишиғлигини таъминлаш ва кейинги ишлов бериш учун ғулай шаклга эга бўлган ўрам-калава ип ҳосил қилишдан иборат.


Ҳақали йигириш машинасида асосан учта технологик жараён- чўзиш, пишитиш ва ўраш ишлари бажарилади.

Йигириш машиналари ишланаётган ипнинг йўгон - ингичкалилигига, ишлатилишига ғараб хар хил маркаларга бўлинади.

Ингичка йўгонликдаги иплар учун П-66-5М4, П-66-5М6, ПУ-665М4, ПУ-66-5М6 маркали машиналарда, ўртача йўгонликдаги иплар эса П-76-5М4, П-76-5М6 маркали машиналарда ва нихоят йўгон иплар учун П-83-5М маркали йигириш машиналарида ишлаб чиғарилади.

Машина маркасидаги “П” ҳарфи русча прядильная, яъни йигириш сўзининг биринчи ҳарфини, 66, 76, 83 сонлари урчуғлар орасидаги масофани “М” ҳарфи эса машина модификациясини, “У” ҳарфи билан арғоғ ипи (уток) ишлаб чиғаришга мўлжалланганлигини билдиради.

Ўалғали йигириш машинаси куйидаги асосий ишчи ғисмлардан иборат бўлиб уларга:



1. Таъминловчи пилик.
2. Йўналтирувчи чивиг.
3. Зичлагичлар. , 4. Чўзиш асбоби.
5. Ип ўтказгич., 6. Югурдак., 7. Ҳалқа
8. Урчуқ., 9. Калава ип.

Ҳалғали йигириш машинасида жойлашган чўзиш асбоби ёрдамида таъминланаётган пиликни керакли йўғонликда ингичкалаштирилади, пишитилади, ҳосил бўлган ип патрон ёки ёғоч найчага ўралади.

Йигириш машинасининг таъминлаш механизми.

Йигириш машинасидаги пилик рамкалари машинанинг турига ва ундаги ишлаб чиқарилаётган ипнинг йўғонлигига ғараб бир ярусли, икки ярусли ва уч ярусли бўлади.

Бир ярусли рамка, асосан йўғон иплар ишлаб чиқаришда ғўлланилади. Шунга мувофиқ ишлатиладиган пилик ҳам йўғон бўлади. Ингичка иплар ғўш пиликлардан олинади. Бунда пиликли ғалтаклар олинанидан ипларга нисбатан икки баравар кўпайиб кетади ва бир, икки ярусли рамкага сиғмайди. Шунинг учун бу ҳолда уч ярусли рамкалар ишлатилади.


Конструкторлар хар хил рамкалар афзалликларини ўзида мужассамлаштирилган унверсал рамка таклиф қилганлар. Бу рамкада ғалтаклар баландлиги бўйича бирин кетин силжитиб жойлаштирилганлиги учун уларни алмаштириш ғийин эмас.

Пилик рамкалари куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- тўла ўралган ғалтаклар орасидаги масофа 15-20 мм бўлиши керак, чунки шу ҳолда ғалтакларни бир-бирига теккизмай алмаштириш мумкин ;
- пиликли ғалтаклар рамкада шундай енгил ва бир меъёрда айланиши керак;
- рамканинг баландлиги шундай бўлиши керакки, машинада ишлайдиган йигирувчи қўли рамканинг исталган жойига ецин ва ғалтакларни осонгина алмаштира олсин.

Зичлагичлар.

Чўзиш приборларида пилик чўзилиши натижасида ёйилиб кетмаслиги учун чўзиш приборининг орға жуфти олдида юритгич планкасига зичлагичлар ўрнатилади.




Зичлагичнинг асосий вазифаси пиликни жипслаштириб, чўзиш майдонида уни ёйилиб кетишидан асрайди. Бу билан толаларга таъсир ғилувчи ишғаланиш кучи ортиб, толалар назорати яхшиланади.

Келаётган маҳсулот зичлагичлардан жипслашиб ўтганда толаларнинг бир-бирига бўлган ишғаланиши ортади ва ўзаро яхши илашади. Натижада чўзиш жараёни яхшиланади.

Чўзиш асбоблари.

Йигириш машиналарида пахта толасига ва ишлаб чиқариладиган ипга ғараб ҳар хил чўзиш асбоблари ишлатилади ва улар куйидагиларга бўлинади.



- Чўзиш қуввати паст бўлган чўзиш асбоблари -НВ
- Чўзиш қуввати оддий бўлган чўзиш асбоблари - ОВ
- Чўзиш қуввати юқори бўлган чўзиш асбоблари - ВВ
- Чўзиш қуввати ўта юқори бўлган чўзиш асбоблари – СВВ
-



Ҳозирги замонавий йигириш машиналарида ВР-1, ВР-2 ва асосан СКФ (Германия) фирмаси лицензияси бўйича чиғаётган чўзиш асбоблари қўлланилмоғда.

СКФ (а) чўзиш асбобининг чўзиш қуввати $E = 65$ гача.

ВР-1 чўзиш асбобида иккита тасма, ВР-2 чўзиш асбобида битта тасма бўлиб ВР-1 приборининг (б) чўзиш ғуввати $E = 11$ дан - 40 гача. ВР-2 приборининг (в) чўзиш ғуввати эса $E = 15$ дан - 50 гача.




Тасмаларнинг асосий вазифаси чўзиш приборидаги сузиб юрувчи толаларни назорат қилиш, ип нотекислигини яхшилашдан иборатдир.

Чўзиш приборининг қиялиги.

Чўзиш асбоби цилиндр бурисига нисбатан $\alpha = 30-45^\circ$ ғия жойлашган. Чўзиш асбобининг бундай ғия жойлаштиришга сабаб олдинги цилиндрни 1-2 ёйида қамраб ўтаётган тутамчанинг пишиқлигини ортириш, бурамларни яхши тағсимланишини таъминлайди.

Чўзиш асбобидан чиғаётган маҳсулотнинг энг нозик жойи ғамраш ёйи 1-2 бўлиб, ип асосан шу ерда кўп узилади.

Бу ёйнинг узунлиги чўзиш приборининг қиялик бурчаги α га боғлиқ бўлиб, ипнинг узилишига бевосита таъсир ғилади. Қамраш ёйи қамраш бурчаги β қанчалик кичик бўлса, тутамчанинг пишиқлиги ортиб, ипнинг узилиши камаяди.



Нақда машинанинг иш унуми ортади.

Чўзиш приборининг қуввати ва уни ошириш йўллари.

Чўзиш катталиги қанча юқори бўлса, чўзиш приборининг қуввати шунча катта ҳисобланади. Шунинг учун чўзилганлигини ошириш чўзиш прибори қувватини оширишнинг асосий омилларидан биридир.

Куйидаги омиллар чўзиш приборининг қувватини ошириш йўлларида бири бўлиб уларга:

- чўзиш зонасидаги назорациз толаларни камайтириш;
- цилиндр ва валикларнинг аниқ ясалишини таъминлаш;
- зичлагичларни қўллаш;
- чўзиш зоналарини эгилишини таъмилаш;
- валикларга ишқаланиш коэффиценти ўзгармас бўлган қопламалар қоплаш;
- валикларга қўйилган юкларнинг доимийлигини таъминловчи юкловчи механизмлар ишлатиш;

Назорат саволлари:

1. Ҳалқали йигириш машинасининг асосий вазифаси нима?
2. Йигириш машинасининг таъминлаш механизмининг асосий вазифаси?
3. Чўзиш асбоблари нима вазифани бажаради ва уларнинг турларини айтинг?
4. Чўзиш приборининг қиялиги тушунчаси нимани англатади?
5. Зичлагичлар ва уларнинг асосий вазифаси нима?

Адабиётлар рўйхати

1. Аванесова Г.А. Сервисная деятельность. –М.: Аспект-Пресс. 2004.
2. Борзунов И.Г. и др. Прядение хлопка и химических волокон. II часть, М.: 1982, стр. 87-121.
3. Зикриёев Э. Пахтани дастлабки қайта ишлаш. -Т., Мехнат, 2002.
4. Косцов А.А. Машины крутильно-ниточного производства. –М.: ЛП. 1991.
5. Марасулов Ш.Р.. Пахта ва химёвий толаларни йигириш. II қисм, -Т., 1979. 43-65 бет.
6. Марасулов Ш.Р. ва бошқалар. Толали материалларнинг механик технологияси. –Т., 1971. 32-45 бет.
7. Салимов А., Ахматов М. Пахтани дастлабки ишлаш. –Т., 2006.
8. Хаджаев С.С. Проектирование процессов в сервисе. Текст лекций. –Т.: ТИТЛП. 2009.
9. Хаджаев С.С. Сервис жараёнларини лойихалаш. Ўқув қўлланма. –Т: ТТЕСИ, 2011.
- 10.С.С. Хаджаев Сервис жараёнларини лойихалаш. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТТЕСИ. 2011.
- 11.Сервисная деятельность. Уч. Пос. Под общ. Редак. И.П. Павловой, Романович В.К. Санкт-Петербург. ГУАП. 2002.
- 12.Сфера услуг/ Под ред. Ю.П. Свириденко. В 4-х томах. –М.: «Кандид». 2000.
- 13.Федоров В.Г. Культура сервиса: Учебно-практическое пособие. –М.: Изд. ПРИОР. 2000.
- 14.Давлат стандартлари ЎзРСТ 615-94, ЎзРСТ 604-93, ЎзРСТ 645-95, ЎзРСТ 696-93.

3-МАВЗУ. ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ТИКУВ МАШИНАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Режа:

1. Тикув машиналари тарихи
2. Тикув машиналарининг турлари
3. Тайёрлов цехларининг машина ва ускуналари

Таянч иборалар: *кийим, қайчи, қўл пичоғи, ип, игна, артел, тикиш, Зингер, Подольск, моки, баҳая қаторли, полотно, мато, газлама.*

Кийим яратишда машиналар пайдо бўлишидан аввал, асосан қайчи, қўл пичоғи, ип ҳамда игнадан фойдаланишган. Кейинчалик кичкина артеллар ва устахоналар бўлиб, улар ноқулай биноларда жойлашиб вентиляцияси бўлмаган, тикиш ишлари бир ишчи томонидан бажарилган. Тикув машиналарини ишлаб чиқарувчи заводлар бўлмаган, жиҳозлар, асбоблар, фурнитура чет элдан олиб келинган.

Биринчи маротаба Россиянинг Подольск шаҳрида Америка ва Германиянинг қўшма “Зингер” фирмаси томонидан тикув машиналари устахонаси ташкил этилиб, унда хориждан олиб келинган деталлардан машиналарни йиғишган.

Тикув машинаси ХВИИИ аср охири ва ХИХ аср ўрталарида яратилган, бунда 1755й. Англияда Вейзенталга патент берилган, шунингдек 1790й Томас Сент ва 1830й Тимолье ҳам тикув машинаси учун патент олган. Улар занжирли бир ипли баҳл билан буюмларни тиккан. Тикув машиналарини яратувчилари деб Элиас Гоу, Гиббс, Зингер ва Вильсонларни ҳисоблашади.

Хозирги пайтда кийимларни ишлаб чиқаришда 350 тур ўлчамли машиналар ишлатилади.

МДХ ва чет мамлакатларда тикув саноати машиналарини ишлаб чиқарувчи фирмалар ва заводлар

1. Росиянинг “Подольскшвеймаш” бирлашмаси: 25-А, 26-А, 27, 28, 51, 85, 44, 95, 295, 220, 68-А, 65, 260 синф кенг имкониятли ва ярим автоматларни ишлаб чиқаради.

2. Беларуссиянинг “Оршалегмаш” заводи: 97-А, 297, 397, 597, 697, 797, 1097, 1022-М, 1026 синф машиналарини ишлаб чиқаради.
3. Киев экспериментал механика заводи 12 игнали М-12 қавиш машинасини ишлаб чиқаради.
4. Ростов қуюв механика заводи 208, 308, 408, 508 йўрмалаш машиналарини ишлаб чиқаради.
5. Куйбишев механика заводи тўшамаларни қирқиш ва бўлакларга бўлувчи ЭЗМ-2, ЭЗМ-3, ЭЗДМ-3 машиналарини ишлаб чиқаради.
6. Орлов дазмоллаш пресслари заводи тикув буюмларига иссиқлик ва намлик билан ишлов берувчи ПЛП, ПСП, ТПП, ГП-2,5, ГПД-5, ПОР-Г, ПЛЦ-1, ППП-1 прессларини ҳамда, қўзҚалмас, лента-пичокли тушамаларни якуний кесиб бўлакларга бўлувчи РЛ-2, РЛ-3, РЛ-4, РЛ-5, РЛ-6, РЛ-1000-1 каби машиналарни ишлаб чиқаради.
7. Полтаванинг тикув машиналар заводи гул-кашта тикувчи МВ-50 машинасини ишлаб чиқаради.
8. Венгриянинг “Паннония” фирмаси қўлда бошқарилувчи ва тўшамани қирқиб бўлакларга бўлувчи СС-529, СС-530 машиналарини, яширин чок билан тикувчи СС-761 ва СС-790 машиналарини, дазмолловчи СС-311У, СС-313, СС-351 прессларни ҳамда тугма тикувчи ва пухталовчи СС-600, СС-652 ярим автоматларни ишлаб чиқаради.
9. Германиянинг “Текстима”, “Пфафф”, “Штробель”, “Дюркопп”, “Адлер”, “Шуберт”, “Зингер” фирмалари 8332, 8115, 8605, 8630, 91, 99, 267-703, 265-115203, 558, 204, 1381, 3116, 299У кенг имкониятли, йўрмалаш, изма очиш, пухталаш, кашта тикиш машиналарини ишлаб чиқарадилар.
10. Чехословакиянинг “Минерва” фирмаси 811, 62-761, 335 синф изма очиш ва синиқ чок билан тикиш ярим автоматларини ва машиналарини ишлаб чиқаради.
11. Италиянинг “Некки”, “Римольди” фирмалари кенг имкониятли, тугма қадовчи ва йўрмаловчи 830-100, НАН-1441, НАН-1405, 829-7 синф машина ва ярим автоматларини ишлаб чиқаришади.
12. Япониянинг “Джуки” фирмаси уч ипли МО-367ВТ ва тўрт ипли МО-816 занжирли йўрмалаш машиналарини ишлаб чиқаради.
13. Германиянинг “Каннегисер” фирмаси эркаклар кўйлагини ёқасини елимлаб йиқувчи прессларни ишлаб чиқаради.

Тикув машиналарининг турлари

Улар бажарувчи жараёнларига қараб: кенг имкониятли (1022-М, 97-А, 8332, 597, 302, 862), махсус (26, 75, 335, 51-А, 85, 285), ярим автомат (25, 27,

95, 220, 295, 495, 558, 62-761), узелларни ишловчи ярим автомат (260, 360, 590) машиналарга бўлинади.

Машиналар бажараётган баҳяқатор ва чок турига қараб: моки баҳя қаторли (тикувчи бир, икки, уч ва тўрт игнали, яширин-кўринмас баҳяли, махсус чокли ва ярим автомат), бир ипли занжирли баҳяқаторли (тикувчи, ва вақтинчалик бирлаштирувчи, кўп игнали, кашта тикувчи-попоп, яширин баҳяли), кўп ипли занжирли баҳя ҳосил қилиб тикувчи (бир, икки ва кўп ипли бирлаштирувчи, буюмлар зийини йўрмаловчи, махсус ва ярим автоматлар) каби машиналарга бўлинади.

Бундан ташқари тикилиб бўлган буюм ва уларни деталларига иссиқлик ва намлик билан ишлов берувчи пресслар юритгичини тури, бажараётган жараённи амалга ошириши ва иссиқликни ташувчиси турига қараб: дазмоллаш пресслари, эгувчи махсус пресслар, парловчи пресслар, қўл ёки педаль билан бошқарилувчи, электромеханик, гидравлик, пневматик ҳамда пар ёки электр билан иситувчи прессларга бўлинадилар.

Тикув саноати ҳақида умумий маълумотлар

Тикув саноати Ўзбекистон Республикасида энг истикболли йўналишлардан биридир. Хозирги кунда жуда имкониятли корхоналар каторида “Юлдуз” ва “Қизил тонг” АЖ, “Шарқ гули” АЖ, “Паризод” тикув бирлашмасини, Қўқон, Андижон, Наманган, Қарши, Самарқанд, Ургенч тикув корхоналарини кўрсатиш мумкин.

Тикув корхоналари учун хом ашё сифатида пахта, жун, шойи ва синтетик толалардан бажарилган газламалар кўлланилади.

Пахта заводларда хар хил чиқиндилардан тозаланади, уруқидан толаси ажратиб олинади, тозаланган тола махсус прессларда кип холига келтирилиб тўқув комбинатларига юборилади. У ерда йигирув, тўқув ва бошқа фабрикалардан ўтиб газлама холига келтирилиб, тикув корхоналарига ўрам ёки китоб холида келади.

Тикув корхоналари қуйидаги асосий цехлардан ташкил топган: тайёрлов, бичув, тикув-йиғув, тажриба цехлари, ҳамда ёрдамчи: ремонт-механика, электр, пайвандлаш, қурилиш, омборлар ва бошқалар.

Тайёрлов цехларининг машина ва ускуналари

Тайёрлов цехининг вазифаси

Тайёрлов цехларида тўқимачилик корхоналаридан келтирилган газламалар бирламчи текширувдан ўтказилади, яъни эни, умумий узунлиги, артикули, нави ва сифати текширилади. Шунингдек, бунда материаллар қабул

килинади, ташилади, ўлчаниб, нуқсонлари топилади ва сақлаш жовонларига жойланади.

Бунда тикув корхоналарига материал ўрамлар ва тойлар холида келтирилади. Автомобилдан уларни электр таль ёки автоюклатгич ёрдамида олиниб, темир изларда юрувчи аравачаларда цехларга олиб борилади. Агар материаллар контейнерсиз келтирилган бўлса, улар конвейерлар ёки қия нов ёрдамида автомобилдан тушириб олинади. Материаллар тахланиб жовонларда ёки элеватор ва барабанларда сақланади.

Тайёрлов цехида кўпинча ТШП-89 тахлагичидан фойдаланилади; бу тахлагич аравачадаги материал ўрамларини, бичик, қаватларини қутича ёки қаватлардаги буюмларни кўп қаватли токчали жовонларга жойлаб якка-якка сақлаш жойига ташиб боришга ва уларни бошқа транспортга ортиб беришга мослашган.

Тайёрлов цехларида материалларнинг маълум қалинлиги ва кенглигига мослашган механизациялашган нуқсон топиш–ўлчаш дастгоҳларининг турли типлари қўлланилади.

Нуқсон топиш-ўлчаш дастгоҳи

Бу дастгоҳни (БПМ-2 ёки айрим китобларда РС-2) Россиянинг Москва экспериментал механика заводи ишлаб чиқаради.

БПМ-2 дастгоҳи икки механизмдан ташкил топган: полотнони силлиқ экран устидан тортиб ўровчи механизм, ҳамда ўлчовчи ва натижаларни ёзувчи механизм.

Дастгоҳ электродвигатели қуввати 0,6 кВт, полотнони ҳаракат тезлигини 9-20 м/мин гача ўзгартириш мумкин, экран 20° бурчак остида қияликка эга бўлиб, у органик шишадан тайёрланган, яна қуввати 0,25 кВт бўлган қўшимча электр двигатели бўлиб, у полотнони орқасига қайтариш-суриш вазифасини бажаради.

Текширилаётган ўрам дастгоҳни орқа тарафидаги новга солинади, у юқорига ташувчи ва қисувчи валиклар орқали назорат ойнаси устидан ўтказилиб, дастгоҳ олдидаги ва пастдаги скалка – валга ўралади.

Назорат ойнаси орқасида люминисцент лампалар бўлиб, улар нуқсонларни яққол кўришни таъминлайди, бунда ишчи дастгоҳни тўхтатиб нуқсон устига бўр ёрдамида икс белгиси қўяди ва ўрам қоғозига неча метрда нуқсон кўринганини белгилаб қўяди. Материални эни, чизғичга биноан кўриш-кузатиш йўли билан, узунлиги эса ҳисоблагич ёрдамида назорат қилиб борилади.

Баъзи тикувчилик корхоналарида материаллар усти силлиқ, бўйлама ва кўндаланг чизқичлари бор, бўйи 3 метрли ўлчаш столларида текширилади ва нуқсонлари аниқланади. Ўлчанадиган материал механик воситалар ёрдамида столнинг узунасига сурилади, бунда электромеханик белгилагич материалга ҳар 3 метрда бўр билан белги қўйиб боради. Материалнинг эни чизқич бўйича ҳар 3 метрда текширилади. Нуқсон топиш ва материал ўрамини ўлчаш натижалари ўрма пасортига ёзиб борилади ва бу паспорт тўшама қаватларини ҳисоблаб чиқувчиларга берилади.

ЭМРТ-2, ИЛ-2 машиналари ҳақида қисқача маълумот

ЭМРТ-2 машинасида иккита панел бўлиб, осткиси берилган маълумотлар киритиш учун, усткиси эса ҳисоблаш натижасини олиш учундир.

Ўйибланаётган материал рулонининг бўйи, учта асосий тўшама қаватининг бўйи ва қолдиқ сифатида ҳисобга киритиладиган битта кўшимча тўшама қаватининг бўйи машина учун дастур бўлади.

Машина тўшама қаватларининг ҳисобланаётган материал рулонининг бўйига касрсиз маротаба сиғадиган асосий узунликларининг энг рационал комбинациясини топиб беради. Машина оптимал ечимдан ташқари, айнан шу материал рулони учун ечим оптималлиги камайиб борадиган тартибда кейинги ҳамма ечимларни ҳам чиқариб бериши мумкин.

Тикув корхоналарининг тажриба цехларида модел конструкциясини текшириб кўриш ва аниқлаш, лойиҳалаш ва моделлаш масалалари ечилади, янги моделларнинг намуналари, бу моделларнинг синов партиялари, андозалар тайёрланади: материаллар сарфи нормаланади, янги ускуна ва мосламалар синовдан ўтказилади.

Андозалар РЛЗ-2 (Полтава тикувчилик ускуналари заводи), ВЛВ-1, ВЛО-1, ВЛН-2 (Полтава енгил машинасозлик заводи), КЛС-1 машиналари ёрдамида тайёрланади.

Тайёр андозалар илгакларда осилган ҳолда икки қават қилиб сақланади.

Моделнинг тежамлилиги андозалар орасидаги чиқилдилар миқдорига қараб белгиланади. Бу кўрсаткич андозаларнинг ўлчалган юзаси билан андозаларнинг экспериментал жойлашган юзаси орасида фарқ орқали аниқланади. Андозаларнинг юзасини контакциз ўлчаш учун ИЛ-2 фотоэлектрон машинаси ишлатилади. Бу машина Санкт-Петербургнинг “Венерд” заводида яратилган.

ИЛ-2 машинасини техник таърифи

Андозалар ўлчами, мм:	
бўйи	100-1500
эни	100-750
Кареткани андоза билан сурилиш тезлиги, мм/с	23,5
Андозанинг энг катта юзасини ўлчаш вақти, с	60
Турелни айланиш частотаси, айл./мин.	235
Генератор Қилдирагини айланиш частотаси, айл./мин...	1410
Генератор импульсини номинал частотаси, Гц.....	7520
Электродвигатель:	
Типи.....	АО-21-2
қўввати, кВт.....	0,27
электр кучланиши, в	220
Машина ўлчамлари, мм:	
Узунлиги.....	3750
Эни.....	1270
баландлиги.....	1140
Машина оғирлиги, кг.	650

Назорат саволлари:

1. Тикув машинаси ва уларнинг қандай турларини биласиз?
2. Тикув машиналарининг асосий ишчи органларини айтинг?
3. Тайёрлов цехининг вазифаси?
4. Тайёрлов цехида ишлатиладиган машина ва ускуналарни айтинг?

Адабиётлар рўйхати

1. Аванесова Г.А. Сервисная деятельность. –М.: Аспект-Пресс. 2004.
2. Борзунов И.Г. и др. Прядение хлопка и химических волокон. II часть, М.: 1982, стр. 87-121.
3. Зикирёев Э. Пахтани дастлабки қайта ишлаш. -Т., Мехнат, 2002.
4. Косцов А.А. Машины крутильно-ниточного производства. –М.: ЛП. 1991.
5. Марасулов Ш.Р.. Пахта ва химёвий толаларни йигириш. II қисм, -Т., 1979. 43-65 бет.

6. Марасулов Ш.Р. ва бошқалар. Толали материалларнинг механик технологияси. –Т., 1971. 32-45 бет.
7. Салимов А., Ахматов М. Пахтани дастлабки ишлаш. –Т., 2006.
8. Хаджаев С.С. Проектирование процессов в сервисе. Текст лекций. –Т.: ТИТЛП. 2009.
9. Хаджаев С.С. Сервис жараёнларини лойихалаш. Ўқув қўлланма. –Т.: ТТЕСИ, 2011.
10. С.С. Хаджаев Сервис жараёнларини лойихалаш. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТТЕСИ. 2011.
11. Сервисная деятельность. Уч. Пос. Под общ. Редак. И.П. Павловой, Романович В.К. Санкт-Петербург. ГУАП. 2002.
12. Сфера услуг/ Под ред. Ю.П. Свириденко. В 4-х томах. –М.: «Кандид». 2000.
13. Федоров В.Г. Культура сервиса: Учебно-практическое пособие. –М.: Изд. ПРИОР. 2000.
14. Давлат стандартлари ЎзРСТ 615-94, ЎзРСТ 604-93, ЎзРСТ 645-95, ЎзРСТ 696-93.

4-МАВЗУ. ТЎҚУВЧИЛИК ДАСТГОҲЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ

Мустақил таълим – 2 соат

Режа:

- 1. Тўқувчилик дастгоҳлари ҳақида маълумот.**
- 2. Замонавий тўқувчилик дастгоҳлари.**
- 3. Тўқувчилик машиналарининг турлари.**

Адабиётлар рўйхати

1. Аванесова Г.А. Сервисная деятельность. –М.: Аспект-Пресс. 2004.
2. Борзунов И.Г. и др. Прядение хлопка и химических волокон. II часть, М.: 1982, стр. 87-121.
3. Зикриёев Э. Пахтани дастлабки қайта ишлаш. -Т., Мехнат, 2002.
4. Косцов А.А. Машины крутильно-ниточного производства. –М.: ЛП. 1991.
5. Марасулов Ш.Р.. Пахта ва химёвий толаларни йигириш. II қисм, -Т., 1979. 43-65 бет.

6. Марасулов Ш.Р. ва бошқалар. Толали материалларнинг механик технологияси. –Т., 1971. 32-45 бет.
7. Салимов А., Ахматов М. Пахтани дастлабки ишлаш. –Т., 2006.
8. Хаджаев С.С. Проектирование процессов в сервисе. Текст лекций. –Т.: ТИТЛП. 2009.
9. Хаджаев С.С. Сервис жараёнларини лойихалаш. Ўқув қўлланма. –Т.: ТТЕСИ, 2011.
10. С.С. Хаджаев Сервис жараёнларини лойихалаш. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТТЕСИ. 2011.
11. Сервисная деятельность. Уч. Пос. Под общ. Редак. И.П. Павловой, Романович В.К. Санкт-Петербург. ГУАП. 2002.
12. Сфера услуг/ Под ред. Ю.П. Свириденко. В 4-х томах. –М.: «Кандид». 2000.
13. Федоров В.Г. Культура сервиса: Учебно-практическое пособие. –М.: Изд. ПРИОР. 2000.
14. Давлат стандартлари ЎзРСТ 615-94, ЎзРСТ 604-93, ЎзРСТ 645-95, ЎзРСТ 696-93.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

№	Тест саволлари	А жавоб	В жавоб	С жавоб	Д жавоб
1	Чиқиндилар тола турига кўра қандай турларга бўлинади?	пахта, жун, ипак, каноп, кимёвий	жун, ипак, пахта, кимёвий	пахта, ипак, жун, каноп	жун, ипак, каноп
2	Чиқиндилар қайта ишлаш технологиясига кўра қандай чиқиндиларга бўлинади?	пахта тозалаш, тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик саноати	трикотаж, пахта тозалаш	тўқувчилик, трикотаж, йигириш	пахта тозалаш, тикувчилик саноати
3	Пахта толасини йигириб ип олиш ва ундан мато тўқишда ажралиб чиқадиган чиқиндиларнинг гуруҳи ва стандартлар сони?	6; 50	4; 50	8; 46	10; 52
4	Иккиламчи хом-ашё сифатида ишлатиладиган лахтақлар юзаси қанча см² дан ошмаслиги керак?	625 см ²	1500 см ²	1400 см ²	900 см ²
5	Жун иплар, қийқим ва лахтақларни қайта ишлаб олинган толаларни ишлатишда қайси технологик тизимлар қўлланилади?	РМО-1, ШМ-50, ШМШ, МЦ-800, АС-116, АС-12, АС-301	РМО-1, МШ-800, АС-116, АС-301	ШМ-50, ШМШ, АС-301	ШМШ; АС-301, ШМ-50

6	Жун йигириш чиқиндиларини қайта ишлаш учун қандай технологиялардан фойдаланилади?	ювиш, сиқиш ва курутиш	ювиш, курутиш	ювиш, сиқиш	тозалаш, ювиш
7	Трикотаж саноатида неча % гача чиқинди ҳосил бўлади?	18%	26%	36%	42%
8	Пахта момиғи линтнинг пишиқлиги неча сН ни ташкил этади?	3,8-3,9 сН	2,4-2,6 сН	3,0-3,2 сН	4,2-4,4 сН
9	Нотўқима материаллар ишлаб чиқариш технологияларини нг нечта усули мавжуд?	3	5	6	2
10	Толали материални қалинлаштириш коэффициенти қайси формула билан аниқланади?	$D = \frac{V_b}{V_a}$	$D = \frac{V_a}{V_b}$	$D = V_a$	$D = V_b \cdot V_a$
11	Классик валикли тараш машиналари ёрдамида ишлаб чиқарилган толанинг ориентация даражаси қанча бўлади?	9:1 дан 15:1 гача	20:1 дан 35:1 гача	10:1 дан 20:1 гача	15:1 дан 30:1 гача

12	Хужалик пахтаси ишлаб чиқарадиган корхоналарда пахтанинг қайси турлари ишлаб чиқарилади?	медицина, кийим-кечак ва курпа-ёстиқ учун, тикувчилик саноати ва мебел саноатида ишлатиладиган	кийим-кечак, тикувчилик саноатида ишлатиладиган	медицинада ва мебел саноатида ишлатиладиган	тикувчилик ва мебел саноатида ишлатиладиган
13	Медицинада ишлатиладиган пахта учун сараланма таркиби неча % бўлади?	пахта толаси – 75%, момиғи-25%	пахта толаси – 65%, момиғи-35%	пахта толаси – 60%, момиғи-40%	пахта толаси – 80; момиғи – 20%
14	Тикувчилик саноатида ишлатиладиган пахтанинг сараланма таркиби неча % бўлиши мумкин?	пахта толаси – 21%, момиғи-35%, ип газлама саноати чиқиндиси – 33%, қайта ишлатиладиган чиқиндилар – 11%	пахта толаси – 25%; момиғи – 35; ип газлама саноати чиқиндиси – 40 %	пахта толаси–15%, момиғи-85%	пахта толаси – 10%, ип газлама саноати чиқиндиси – 20%, момиғи-70%
15	Ип газлама саноатида чиқиндиларининг неча % ишлатилади?	12%	44%	94,5%	82,6%
16	Мебел саноатида ишлатиладиган пахтанинг сараланма таркиби неча % бўлади ?	пахта момиғи – 20%, ўлик тола-24%, ип газлама саноати чиқиндиси - 30%, қайта ишлатиладиган чиқиндилар – 26 %	пахта момиғи - 40%, ўлик тола - 60%	пахта момиғи - 30%, ўлик тола - 40%, қайта ишлатиладиган чиқиндилар - 30%	пахта момиғи - 40%; ўлик тола - 30%, қайта ишлатиладиган чиқиндилар - 30%
17	Ип газлама саноати йигирувбон чиқиндиларининг неча % ип ишлаб	54,5%	42,0%	6,2%	16,0%

	чиқаришда ишлатилади?				
18	Ип газлама саноати чиқиндиларининг неча % рузгорбоп пахта олишда ишлатилади?	14,7%	3,2	6,4	42,2
19	Чиқиндиларнинг қайси хоссалари инобатга олиниб классификацияланган?	чиқиндиларнинг пайдо бўлиши, тола тури, қайта ишлаш техника ва технологияси, тола хоссалари	тола тури ва хоссалари	қайта ишлаш технологияси ва пайдо булиши	тола ташқи курилиши ва ифлослиги
20	Мато ипларининг тўкилишига нима таъсир кўрсатади?	Мато структурасида иплар йетарли мустаҳкамламаганлиги ва ипларнинг чалишиши	Мато структурасида иплар етарли мустаҳкамланмаганлиги	Мато ипларининг чалишиши	Мато пардоз тури ва якуний ишлови
21	Бичиш жараёнига материал қаттиқлигининг таъсири	Бичиш жараёнида кесиш ускуналари элементлари қизиб кетиши ҳисобига қийинлик туғдиради	Бичиш жараёнини осонлаштиради	Бичиш вақтини узайтиради	Бичиш вақтини қисқартиради
22	Материаллар қаттиқлигига нима таъсир кўрсатади?	Толавий таркиб, структураси, зичлиги, пардозлаш ва чалишиш тури	Якуний пардоз тури	Юза зичлиги	Толавий таркиб ва чалишиш тури
23	Мато ипларининг тешилиши нима билан тавсифланади?	Тикиш жараёнида мато ипларининг қисман ёки бутунлай узилиши билан	Матога игна ишқаланиши билан	Мато зарарланиши содир бўлади	Матода тешилишлар содир бўлади

24	Мато ипларининг тешилишига нималар таъсир этади?	Мато пардоз тури, игна қалинлиги, ип номери	Тўқилиш усули	Мато структураси	Игна диаметри
25	Матода тешилишларни олдини олиш учун нима қилиш керак?	Матода тешилишларни олдини олиш учун игна пластинасини тўғри танлаш керак	Игнани тўғри танлаш керак	Йелимли материаллар қўллаш керак	Чок частотасини тўғри танлаш керак
26	Чок давомида тўлқинлаиш қандай бартараф қилинади?	Матога тепки босимини танлаш, ингичка игна ва ипларни қўллаш	Чок частотасини тўғри танлаш	Мосламалар қўллаш	Йелимли материаллар қўллаш
27	Матонинг чок давомида тўлқинланишига нима таъсир этади?	Тепки босими таъсирида мато қаватларининг бир-бирига нисбатан силжиши содир бўлади	Матони суриш рейкали механизми таъсир этади	Ҳар хил қалинликдаги материаллар бирикиши таъсир этади	Чок частотаси қатталиги таъсир этади
28	Намлик ва ҳарорат таъсирида юқори полимер материалларнинг ҳолати	Шишасимон, юқориеластик, ёпишқоқ-чўзилувчан	Қаттиқ, еластик	Суюқ, ериган	Ҳамма жавоб тўғри
29	Намлаб-иситиб ишлаш ҳолатини кўрсатинг	Юқори еластик	Шишасимон	Ёпишқоқ-чўзилувчан	Термопластик
30	Газламаларни намлашнинг қайси усулида намлик газлама юзаси бўйлаб бир хил тарқалади?	Буғ қўллашда	Сепгич қўллашда	Намланган газламани қўллашда	Сув қўллашда

МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Пишитилганлик даражасини пневмомеханик ипнинг тукдорлик кўрсаткичларига таъсирини тадқиқоти.
2. Истиқболли ғўза навларининг йигирувчанлик хусусиятларини тадқиқ этиш
3. Хар хил структурали трикотаж ипларини йигириш технологиясини тадқиқ этиш
4. Халақали йигириш машинасида ип таранглиги ва баллон шаклига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш.
5. Лахтак ва қийқимлардан тола тиклаш технологик жараёнларини тадқиқ этиш.
6. Йигирилган ипларнинг структурасини тадқиқ этиш.
7. Пневмомеханик йўғон ипларни йигириш параметрларини оптимизациялаш.
8. Устки кийимларни ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш
9. Махсус кийимларни лойиҳалаш технологиясини такомиллаштириш
10. Устки кийимларни ишлаб чиқариш технологияси таҳлили

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛЛАР

1. Пишитиш механизмига қандай ишчи қисмлар киради ?
2. Ипўткич қандай вазифани бажаради?
3. КРГ типдаги ҳалқаларнинг қандай афзаликлари бор?
4. Ўраш механизмининг вазифаси нимадан иборат?
5. Йиғириш машинасининг махсулдорлик формуласини ёзинг ва таҳлил қилинг
6. Саваш машиналарининг асосий ишчи қисмлари ва уларнинг вазифаси ?
7. Савағичнинг ишига таъсир кўрсатувчи омиллар ?
8. Саваш даражаси тушинчаси нима ?
9. Тўрли барабан ва унинг вазифаси ?
10. Тараш машинасининг гарнитуралари уларнинг турлари.
11. Толаларни тараш.
12. Шляпкали тараш машиналари.
13. Тараш машинасининг таъминловчи қисми.
14. Таъмиловчи столчанинг профилини танлаш.

ГЛОССАРИЙ

1. **Саваш даражаси** - саваш органларининг толали қатламга таъсирини ёки интенсивлигини билдиради
2. **Зичлагич** - Чўзиш приборларида пилик чўзилиши натижасида ёйилиб кетмаслиги учун ўрнатилади
3. **Чўзиш асбоблари** - Йигириш машиналарида пахта толасига ва ишлаб чиқариладиган ипга ғараб хар хил тури ишлатилади
4. **Ахборот сервис** - клиентларни, сервис хизматига мухтож бўлганларни лозим ахборот билан таъминлаш, машиналар бўйича хизмат бозорини доимо ўрганиш, конкрет шароитга мослашиш, клиентларни фикр ва таклифларига амал қилиш
5. **Сервис (сервис тизими)** – сотиб олиш, тўхтовсиз ишлашини таъминлаш, эффе́ктив қўллашни таъминлаш, машина-жихозларни экологик хавфсиз ишлашини узоқ хизмат муддатида таъминлаш бўйича маълум қийматга хизмат кўрсатиш усули
6. **Прогноз** – бу сўз, математик формулалар, гафик ва бошқа кўринишда корхонани келажакдаги ҳолатини прогнозлаш жараёнидир
7. **Прогнозлаш** – олдиндан кўра билиш, машина ва жихозларни келажакдаги ҳолати бўйича ахборотга эга бўлишдир
8. **Монтаж** (ГОСТ 23887—79)- буюмни, машинани ёки уни қисмларини ишлатиш учун жойлаштириш
9. **Механомонтаж** - технологик, энергетик, кўтариш-ташиш ва ностандарт жихозларни, қувурларни ва металлоконструкцияларни жойлаш ишлари киради
10. **Жихозларни монтажи** – комплекс ишлар бўлиб, бунда машина ва агрегатларни йиғиш, уларни лойихада кўрсатилгани бўйича ишчи ҳолатда жойлаш, йиғиш, технологик қаторга бирлаштириш, салт ҳолатда текшириш, юклама билан синаш.


ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР

Олий таълим муассасаларида тўқимачилик ва енгил саноати машиналари механикаси ва корхоналар сервиси таълим йўналиши. Тўқимачилик ва енгил саноати машиналари жихозлари фанлари йўналиши мутахассисликлари умумқасбий ва махсус фанлари учун яратилган дидактик таъминот. Педагогик жараёнда инновация. Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти. Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

Жихозланган ўқув аудиторияси, компьютер, видео проектор, электрон доска, маълумотлар киритилган плакатлар, ёзув доскаси, ўқув адабиётларини электрон шакли, жадваллар ва тестлар.

Тручлер фирмасининг машиналари





NSR200 Чувиш ярим автомати



FY302A Автомат чувиш дастгоҳи



Пневмомеханик йигириш машиналарининг турлари. (Хорижий фирмалар $n_{кам} = 100000 - 150000_{мин}^{-1}$)



Оеглицон Шляфхорст (Германия)
Autosoro S 240, 360, 480




Оеглицон.Чех. (Чехия) BD-320,
BD-330, BD-350, BD -380



Rieter (Швецария) R-20, R-40,
BT -903, BT-904, BT-905







<http://mashriq-mashali.gl.uz>



АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аванесова Г.А. Сервисная деятельность. –М.: Аспект-Пресс. 2004.
2. Борзунов И.Г. и др. Прядение хлопка и химических волокон. II часть, М.: 1982, стр. 87-121.
3. Зикриёев Э. Пахтани дастлабки қайта ишлаш. -Т., Мехнат, 2002.
4. Косцов А.А. Машины крутильно-ниточного производства. –М.: ЛП. 1991.
5. Марасулов Ш.Р.. Пахта ва химёвий толаларни йигириш. II қисм, -Т., 1979. 43-65 бет.
6. Марасулов Ш.Р. ва бошқалар. Толали материалларнинг механик технологияси. –Т., 1971. 32-45 бет.
7. Салимов А., Ахматов М. Пахтани дастлабки ишлаш. –Т., 2006.
8. Хаджаев С.С. Проектирование процессов в сервисе. Текст лекций. –Т.: ТИТЛП. 2009.
9. Хаджаев С.С. Сервис жараёнларини лойиҳалаш. Ўқув қўлланма. –Т.: ТТЕСИ, 2011.
10. С.С. Хаджаев Сервис жараёнларини лойиҳалаш. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТТЕСИ. 2011.
11. Сервисная деятельность. Уч. Пос. Под общ. Редак. И.П. Павловой, Романович В.К. Санкт-Петербург. ГУАП. 2002.
12. Сфера услуг/ Под ред. Ю.П. Свириденко. В 4-х томах. –М.: «Кандид». 2000.
13. Федоров В.Г. Культура сервиса: Учебно-практическое пособие. –М.: Изд. ПРИОР. 2000.
14. Давлат стандартлари ЎзРСТ 615-94, ЎзРСТ 604-93, ЎзРСТ 645-95, ЎзРСТ 696-93.